2016 ЙИЛ 21 АПРЕЛЬ, ПАЙШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 83 (13.146)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Сарвар Ўлмонов олган сурат

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

ТИББИЁТ ЮТУҚЛАРИ НАМОЙИШИ

"Ўзэкспомарказ"да "Соғлиқни сақлаш — TIHE 2016", "Фармацевтика саноати — AptekaExpo Central Asia 2016" ҳамда "Стоматология — Stomatology Uzbekistan 2016" халқаро кўргазмалари очилди.

Улар Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари, Савдо-саноат палатаси, "Ўзфармсаноат" акциядорлик концерни, "Ўзтибтехника" масъулияти чекланган жамияти, Стоматологлар уюшмаси ва "ITE Uzbekistan" халқаро кўргазма компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирнинг очилишида Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири А.Алимов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимини модернизациялаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар инсон саломатлигини асраш, аҳолининг соғлом ва узоқ умр кўришида муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида бу йўналишдаги ишлар янада кенгаймоқда. Тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, тиббий хизмат сифатини ошириш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда. Аҳолига кенг турдаги фармацевтика ва профилактика воситалари етказиб берилмоқда.

Кўргазмаларда ўн етти мамлакатнинг икки юздан зиёд компанияси иштирок этаётир. АҚШ, Буюк Британия, Германия, Ҳиндистон, Хитой, Корея Республикаси, Россия, Туркия, Украина, Чехия, Швейцария, Беларусь ва бошқа мамлакатлардан келган етакчи ишлаб чиқарувчилар ўз маҳсулотларини тақдим этмоқда.

Экспозициялардан турли замонавий тиббий технологиялар, ультратовуш, рентген аппаратлари, физиотерапевтик ва кардиологик жиҳозлар, стоматология, имплантология ва жарроҳлик асбоб-анжомлари, диагностика ва лаборатория жиҳозлари, дезинфекция, санитария-гигиена ва реабилитация воситалари, тренажёрлар, ортопедик маҳсулотлар, тиббий мебеллар, дори-дармонлар, дорихоналар учун ускуналар, шифобахш пардоз воситалари ва бошқа маҳсулотлар ўрин олган.

Ҳиндистоннинг "Tynor" компанияси ишлаб чиқарадиган жароҳат ва операциялардан кейин таянч-ҳаракат тизимлари фаолиятини тиклайдиган ускуналардан дунёнинг қирқдан зиёд мамлакатида фойдаланилмоқда. "Biolab Medisys" компаниясининг ортопедик инплантология йўналишида фойдаланиладиган маҳсулотлари ҳам жаҳон тиббиётининг ўзига хос янгиликларидан биридир. Яқинда пойтахтимизда мазкур компаниянинг ваколатхонаси очилди.

– Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантиришга давлат даражасида эътибор қаратилаётгани туфайли тиббиётнинг барча йўналишлари жадал тараққий этмоқда, – дейди "Biolab Medisys" компанияси ижрочи директори Ҳемансу Бҳатт. – Травматология ва ортопедия соҳасида салмоқли натижаларга эришилаётганидан хабаримиз бор. Юртингиз тиббиёт соҳаси вакиллари билан кенг ҳамкорлик қилиш ниятидамиз.

(Давоми 3-бетда)

Ахборот-коммуникация технологиялари

АХБОРОТ СОҲАСИНИНГ УЛКАН ИМКОНИЯТЛАРИ

Пойтахтимизда "ADWEEK.UZ" маркетинг ва реклама ҳафталиги доирасида онлайн-маркетинг масалаларига бағишланган "USENET 2016" халқаро конференцияси бўлиб ўтди.

"UZINFOCOM" компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий қилиш маркази ҳамда "Ledokol Group" масъулияти чекланган жамияти томонидан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон, Россия, Қозоғистон ва Озарбайжондан телекоммуникация ва реклама соҳаси экспертлари иштирок этди.

Мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бормоқда. Президентимизнинг 2013 йил 27 июндаги "Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори бу борада муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Конференцияда ёш авлоднинг замонавий ахборот ва интеллектуал эҳтиёжларини таъминлайдиган веб-ресурслар яратилиб, интернет-реклама ҳамда медиа-маркетинг ривожланаётгани таъкидланди.

– Мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, хизматларни электрон шаклда тақдим этиш кенгайиб бораётир, – дейди ЎзА мухбирига "Seide International" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Улуғбек Қодиров. – Биз ҳам яратилаётган имкониятлардан кенг фойдаланмоқдамиз.

Интернет тезкор ахборот олиш, етказиш ва унга ишлов бериш манбаи ҳисобланади. Шу боис ундан фойдаланувчилар сони тобора кўпайиб бормоқда. Айни пайтда мамлакатимизда ушбу тармоқдан фойдаланувчилар 12 миллион, мобиль алоқа абонентлари эса 22 миллион кишидан ошди.

"Ledokol Group" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Дилшод Музаффаровнинг сўзларига кўра, Ўзбекистонда реклама берувчилар бюджетининг катта қисми телевидение ҳиссасига тўғри келмоқда. Статистика маълумотларига қараганда, сўнгги вақтда интернет-реклама ва телевидение орқали реклама учун бюджет ўртасидаги тафовут камайиб бораётир. Интернет-реклама учун сарфланаётган бюджет ҳажми бўйича телекоммуникация компаниялари етакчилик қилмоқда. Уларнинг реклама бозоридаги улуши 50 фоиз, фармацевтика компаниялари улуши эса 25 фоизни ташкил қилади.

Мамлакатимизда интернетдан фойдаланувчиларнинг аксарияти ёшлардир. Шу боис онлайн-реклама янада барқарор ривожланади.

– Бутун дунёда жамиятни ахборотлаштириш жараёни жадал ривожланмоқда, – дейди "Safaroff" (Озарбайжон) агентлиги раҳбари Чингиз Сафаров. – Бундай конференциялар Ўзбекистон бу жараённинг фаол иштирокчиси эканидан далолат беради. Мамлакатингизнинг кўплаб IT-компаниялари тажрибаси эса катта қизиқиш уйғотмоқда.

Анжуманда замонавий ахборот технологияларини янада ривожлантириш ва бу борада мамлакатимиз ҳамда хорижий мутахассисларнинг ўзаро ҳамкорлиги бўйича фикр алмашилди.

М.ҚАРШИБОЕВ

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли туманида Германия Халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) билан ҳамкорликда ташкил этилган намунавий интенсив боғнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда мутахассислар, Кегейли ва Хўжайли туманларидаги боғдорчиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликлари раҳбарлари иштирок этди.

● Фарғонада ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида "Шунқорлар" ҳарбий-спорт мусобақасининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туман босқичларида ғолиб бўлган 19 жамоа бир неча спорт турлари бўйича жисмоний тайёргарлигини намойиш этди, ҳарбий соҳага оид билим ва кўникмасини синовдан ўтказди.

● Нукус шаҳрида Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб "Биз – буюк юрт фарзандларимиз!" шиори остида ўтказилган ёшлар фестивали доирасида Ёшлар марказининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

● Самарқандда "Тадбиркорларни ҳимоя қилиш – давр талаби" мавзусида амалий семинар ўтказилди. Вилоят адлия бошқармаси ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда солиқ, божхона, статистика ва молия идоралари, тижорат банклари, туман ва шаҳарлардаги "Ягона дарча" марказлари вакиллари ва тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари иштирок этди.

● Гулистонда "Зарб" ёш доирачилар кўрик-танловининг Сирдарё вилояти босқичи бўлиб ўтди. "Баркамол авлод" болалар марказлари, умумтаълим ҳамда мусиқа ва санъат мактабларидаги тўгарак аъзолари ўртасида ўтказилган танловда 48 нафар ёш ўз маҳоратини намойиш этди.

ЖАҲОНДА

● Лондон ва Нью-Йорк биржаларида нефть нархининг яна пасайиши кузатилди. Чунончи, "WTI" русумли нефть қиймати 2,46 фоизга тушиб, бир баррели 40,07 АҚШ долларига сотилди. "Brent" маркадаги "қора олтин" 1,98 фоиз арзонлашиб, бир баррели 43,16 долларга баҳоланди.

● Хитой илмий-техника университети олимлари одамга ўхшаш "Jia Jia" роботини тақдим этди. Ёш қиз қиёфасида ишланган робот одамлар билан суҳбатлашиб, юз ифодасини ўзгартириши, ҳатто, ҳазиллашиши ҳам мумкин. Унинг лаблари мулоқот чоғида одамларники каби қимирлайди, кўз қорачиқлари эса ёруғликка боғлиқ равишда ўз ўлчамини ўзгартиради. "Jia Jia" ўзига мурожаат қилинганини автоматик тарзда англайди.

● Жаҳонга машҳур германиялик автопойгачи Михаэль Шумахернинг 1992 йилда илк ғалабасини қўлга киритган "Формула-1" болиди "Benetton B191B Bonhams" аукцион уйи томонидан ким ошди савдосига қўйилди. Етти карра жаҳон чемпионининг имзоси туширилган пойга машинаси 220-280 минг еврога баҳоланган.

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

МАЪНАВИЯТ МАСКАНИ

М.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳар филиалида "Оила – маҳалла – таълим муассасаси ҳамкорлигини амалга оширишдаги устувор вазифалар" мавзуида семинар бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдураҳимова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ёшларни миллий анъана ва қадриятларимиз руҳида тарбиялаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонунига мувофиқ мазкур органларнинг ваколатлари янада кенгайтирилди. Бугунги кунда улар зиммасига ўттиздан ортиқ вазифа юклатилган.

Ёш авлоднинг замонавий касб-ҳунарларни эгаллашига кўмаклашиш, маънавиятини юксалтириш, тадбиркорлик интилишларини қўллаб-қувватлаш, бандлигини таъминлашда фуқаролар йиғинларининг таъсири тобора ошиб бормоқда. Бунда "Оила – маҳалла – таълим муассасаси" ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этаётир.

– Фарзанд тарбиясида оила билан бирга маҳалланинг ўрни ҳам катта, – дейди ЎзА мухбирига Миробод туманидаги "Янги замон" маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Наима Бекназарова. – Бу маҳалла зиммасига катта масъулият юклайди. Бугунги ўқув-семинарида "Оила – маҳалла – таълим муассасаси" ҳамкорлигини янада кенгайтиришга доир кўплаб маълумотларга эга бўлдик.

Тадбирда маҳаллалар ва таълим муассасаларида ўқувчиларнинг давомати, одоб-ахлоқини алоҳида назоратга олиш, уларни турли ўқув ва спорт тўгаракларига жалб этиш бўйича олиб борилаётган ишлар таҳлил этилди. Қизлар тарбиясига эътибор қаратиш, замонавий билим ва касб-ҳунар эгаллашига кўмаклашиш, эрта никоҳ ва оилавий низоларнинг олдини олиш масалаларини умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей ўқувчиларига кенг тушунтириб бориш юзасидан тавсиялар берилди.

Г.САТТОРОВА

Пойтахтимизда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси марказий кенгаши ва партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан "Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг миллий стратегияси – аҳоли фаровонлигининг муҳим омили" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

ЎЗБЕКИСТОН МАҲСУЛОТЛАРИ ХАВФСИЗ ВА ФОЙДАЛИ

Партия марказий кенгаши раиси ўринбосари Ж.Сафоев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар озиқ-овқат мустақиллиги ва хавфсизлигини таъминлаш, экспорт салоҳиятини оширишда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Ўтган йили мамлакатимизда 7 миллион 500 минг тоннадан зиёд ғалла, 12 миллион 592 минг тонна сабзавот ва картошка, 1 миллион 850 минг тонна полиз маҳсулотлари, 1 миллион 556 минг тонна узум, 2 миллион 731 минг тонна мева етиштирилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 12 апрелдаги "Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳажми ва сифатини янада оширишга хизмат қилади.

Мамлакатимизда етиштирилаётган мева-сабзавотлар экологик софлиги, соғлиқ учун фойдалилиги билан ажралиб туради. Бу аҳоли, айниқса, оналар ва болалар саломатлигида муҳим ўрин тутади.

– "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида бу соҳага алоҳида эътибор қаратилган, – дейди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Алишер Қодиров. – Ўзбекистон Республикасининг "Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида"ги қонунига таркибида модификациялаштирилган организмлар бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини четдан олиб келиш ва истеъмол қилишни чеклаш, болалар овқатида бундай организмлар қўлланилишини тақиқлашни назарда тутадиган қўшимчалар киритиш вазифаси белгиланган. Бугунги кунда тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда бу борада иш олиб борилмоқда.

Тадбирда мамлакатимизда сифатли мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотлари етиштириш, корхоналарда хавфсиз маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАР ЙИҒИЛИШЛАРИ

Кеча халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод, Ижтимоий маданий ривожлантириш, Саноат, транспорт, қурилиш, алоқа ва аҳолига хизматлар кўрсатиш ҳамда Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, Коммунал хўжалик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, Иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияларининг навбатдаги йиғилишлари бўлиб ўтди.

Унда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдаги ўн тўртинчи сессиясига киритиладиган масалалар атрофлича муҳокама этилди.

Жумладан, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижроси юзасидан Шайхонтоҳур тумани ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари, "Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2015 йил 3 декабрдаги "2016 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури" тўғрисидаги қарорининг Тошкент шаҳридаги ижроси, Матбуот ва ахборот бошқармасининг фаолияти, шаҳардаги баъзи географик объектлар номларини тартибга келтириш тўғрисидаги ва бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Комиссиялар йиғилишларида иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасида ислоҳотларнинг устувор йўналишларини амалга ошириш концепциясининг бажарилиши бўйича Шайхонтоҳур туманида амалга оширилган ишлар тўғрисида туман ҳокимлигининг ҳисоботи муҳокама қилиниб, комплекс дастурлар ижросини танқидий кўриб чиқиш, ислоҳотлар жараёнига тўсқинлик қилаётган сабабларни чуқур таҳлил қилиб, муҳим вазифаларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлаш борасида амалий чора-тадбирларнинг ҳаётга татбиқ этилиши лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, "Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Тошкент шаҳридаги ижроси юзасидан "Тошшаҳартрансхизмат" акциядорлик компаниясининг ахбороти тингланди. Ушбу масала юзасидан аҳолига транспорт хизмати кўрсатилишини янада яхшилаш борасида катта ишлар қилинаётган бўлсада, соҳада камчиликлар ҳам мавжудлиги айтилиб уларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш кераклиги таъкидланди.

Йиғилиш кун тартибидаги 2016 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш масаласи юзасидан Меҳнат бошқармасининг ахбороти тингланди. Мазкур масала бўйича жорий йилда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижроси юзасидан мониторинг олиб бориш, йил давомида яратилган янги иш ўринларининг манзилли рўйхатини шакллантириш, тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг ишга жойлашишига кўмаклашиш масаласи муҳим вазифалардан бири эканлиги қайд этиб ўтилди.

Доимий комиссиялар йиғилишларида Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасининг фаолияти юзасидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ахборот тингланди. Ҳудуддаги босма нашрлар, матбаа корхоналари матбуот ва ахборот соҳаларини ривожлантириш борасида амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши лозимлиги таъкидланди.

Шунингдек, йиғилишларда Тошкент шаҳридаги баъзи географик объектларнинг номини тартибга келтириш юзасидан тайёрланган шаҳар Кенгаши қарори лойиҳаси кўриб чиқилди.

Кўрилган барча масалалар бўйича доимий комиссиялар ваколати доирасида тегишли қарорлар қабул қилинди.



Каштачилигимизнинг нодир намуналари

Ёлқин Шамсиддинов олган сурат

Маълумки, мамлакатимизда бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, оилавий ва хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни жадал ривожлантириш ҳамда аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасини янада кенгайтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Мулоҳаза

МАҲАЛЛАДАГИ БАНК ХИЗМАТЛАРИ — ҚУЛАЙ ВА ИШОНЧЛИ

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги ўз маърузасида ҳаёт сифатини оширишда хизмат кўрсатиш ҳамда сервис соҳаси муҳим омил бўлаётганини алоҳида таъкидлаб ўтган эди.

Бу борада банк тизими томонидан аҳолига кўрсатиб келинаётган хизматлар муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, мамлакатимизда банклар ўз фаолияти доирасида турли йўналишлар бўйича иш олиб боради. Ҳар қандай банк омонатлар, пул ўтказмалари, кредитлар ва бошқа банк хизматлари билан бир қаторда аҳолига хизмат кўрсатиш фаолиятини янада кенгайтиришни ўзининг бош вазифаларидан бири деб билади.

Сўнгги йилларда иқтисодиётимиз юксалиб, аҳолининг турмуш фаровонлиги янада яхшиланиб бораётган бир пайтда аҳоли ва банк муносабатининг ўта муҳимлиги кундан-кунга аён бўлиб бормоқда. Ҳаёт шуни кўрсатмоқдаки, аҳоли мижоз сифатида банкнинг намунали ва сифатли хизматини хоҳлайди. Ўз навбатида банк ҳам аҳолига замонавий хизмат кўрсатишни ўзининг устувор вазифаларидан бири деб билади.

Аҳолининг ҳамда банкнинг мақсад ва манфаатлари бирлиги уйғунлигини янада такомиллаштириш мақсадида "Миллий тикланиш" Ўзбекистон демократик партиясининг Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан шаҳар маҳаллаларида, жумладан, маҳалла идораларида банк хизматларини ташкил этиш ташаббуси кўтарилган эди. Ушбу ташаббус "Ипотека банк" АТИБ Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан қўллаб-қувватланиб, партия таклифини амалга жорий этиш ишлари йўлга қўйила бошлангани қувонарли ҳолдир.

Яхши аёнки, маҳалла қошида ташкил этилган банк хизмати ҳудудда истиқомат қилувчи аҳолининг турли тўловлар, жумладан, истеъмол қилинган электр қуввати, газ, иссиқлик ва сув таъминоти ва бошқа турдаги тўловларни тўлаши учун катта қулайликлар яратмоқда. Бунда фуқароларнинг қимматли вақти тежалади. Энг асосийси, аҳоли банк хизмати турлари билан яқиндан танишиш ва ундан фойдаланиш имконига эга бўлмоқда.

Айни пайтда "Ипотека банк" АТИБнинг Шайхонтоҳур туманидаги "Ипакчи", "Кўкча", "Сархумдон", Юнусобод туманидаги "Мустақиллик", "Туркистон", "Адолат", "Қўшчинор", Мирзо Улуғбек туманидаги "Катта Яланғочота", "Сайрам", Сергели туманидаги Жомий, "Ёркин ҳаёт", Чилонзор туманидаги "1-Қатортол", "3-Катта Чилонзор", Яккасарой туманидаги "Бошлиқ" маҳаллаларида банкнинг мини кассалари очилган. Куни кеча худди шундай кассанинг Миробод туманидаги "Темирйўлчилар" маҳалласида очилгани маҳалла аҳлини беҳад мамнун этди. Бундан ташқари шаҳримиздаги 200 дан ортиқ маҳаллалар қошида кўчма сайёр кассалар фаолияти йўлга қўйилди.

Ушбу кассалар орқали коммунал тўловлар қабул қилиниши кенг йўлга қўйиб келинмоқда. Банкларнинг мамлакат иқтисодиётининг тараққий этишида ҳамда аҳолининг кундалик маданий, маиший ҳаётида муҳим ўрин тутишини назарда тутиб, банк хизматининг имкониятларини аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш ишларини олиб боришни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Маҳалла ҳузурида доимий фаолият юритувчи банк кассаси ишининг йўлга қўйилиши ҳам аҳоли, ҳам банк учун фойдалидир. Дейлик оилавий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни бошлаган онахон, отахон ёки ёш келин-куёвлар ўз ишини яхши билиб, банк билан қандай муомала қилиш, микрокредитлар олиш учун нималар қилиш кераклиги тўғрисида етарли билим ва тажрибага эга бўлмаслиги мумкин. Яна бир тоифадаги фуқароларимиз банкка бир, икки бориб, ўз мақсадига эриша олмасдан ҳафсаласи пир бўлса, яна бирлари оддийгина навбатни кўриб, соатлаб қимматли вақтини йўқотгиси келмайди ва банк билан ишлаш қийин экан, деган тасаввурга боради. Оқибатда яхши ният билан бошланган ишга бўлган меҳр сўна бошлайди. Яна бир тоифадаги фуқароларимиз туманнинг бир бурчагида жойлашган банкка бориб, кредит сўрашга тортинади. Танишларим кўриб қолса, чўнтагида ҳеч мири йўқ шекилли, банк оралаб қолибди, деб ўйламасин деган ўй-хаёлга борадиган қўли гул, дили пок ҳамшаҳарларимиз ҳам йўқ эмас.

Бу каби билинар-билинмас ҳолатлар охир-оқибатда келажакда катта ишлаб чиқарувчи бўлиши мумкин бўлган тадбиркорни йўққа чиқариб, иқтисодиёт юксалишига сезиларли зарар етказиши мумкин.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 1 августдаги "2014 — 2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги давлат дастури тўғрисида"ги Қарори ижроси талабларидан келиб чиқиб, шу кунларда деярли барча маҳаллалар ҳузурида шифокорлар хизматини йўлга қўйиш тадбирлари амалга оширилиб келинмоқда.

Аҳоли учун маҳаллада шифокорлар хизмати каби банк кассасининг ҳам очилиши оилавий тадбиркор ёки хусусий тадбиркорларгагина қулайлик яратиб қолмай, маҳалладан чиқишга қийналадиган ногиронлар, қолаверса, қарилик гаштини сураётган ота-оналаримиз учун ҳам ниҳоятда фойдалидир. Ўғли ёки қизини кўчада ёки коммунал хизмат кўрсатувчи корхонага бориб, газ, электр қуввати, иссиқ ва совуқ сув ҳамда чиқинди тўловларини қачон тўларкан деб кутиб ўтирмасдан, ўзи маҳаллага чиқиб осонликча мавжуд қарздорлик ва тўловларни пластик карта ёки нақд пул орқали тўлаб, дили равшан тортади.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, маҳалла қошида ташкил этиладиган муқим кассалар фақат коммунал тўловларни қабул қилиш билангина чекланиб қолмай, ҳудудда фаолият юритиб келаётган кичик ва ўрта бизнес субъектларини, айниқса оилавий тадбиркорликни ҳамда зардўзлик, каштачилик, кулолчилик, гиламчилик, тикувчилик, сандиқчилик, ёғоч ўймакорлиги ва бошқа касблар билан шуғулланадиган ҳунармандларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун мададкор бўлиши керак. Масалага бу каби ёндашиш ота-боболаримиздан бизгача етиб келган қадимий анъаналарни авайлаб-асрашни англатади. Чунки, аксарият ҳунармандларимиз ота-боболаридан ўрганган ҳунар билан шуғулланиб келишмоқда. Тарихдан маълумки, шаҳримиз ўз ҳунармандлари билан маълум ва машҳур бўлган.

Кўриниб турибдики, талаб ва эҳтиёжлардан келиб чиқиб, маҳаллаларда ташкил этилган банкнинг касса сифатидаги хизмат тури фаолиятини янада кенгайтириш, оилавий ва хусусий тадбиркор, кичик ва хусусий бизнес вакиллари ҳамда ҳунармандлар орасида банк имкониятларидан фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратилиши зарур.

Яъни, маҳаллада истиқомат қилувчи мижозга шу жойнинг ўзида мажбурий ва ихтиёрий тўловлардан ташқари, узоқ ва қисқа муддатли кредит ҳужжатлари расмийлаштирилишини йўлга қўйиш борасида ташкилий ишларни йўлга қўйиш керак бўлади. Бундан ташқари банк муассасалари билан ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириб, маҳалла ҳудудида фаолият юритиб келаётган оилавий тадбиркорларни, кичик бизнес субъектларини ҳамда хусусий тадбиркорлик фаолиятини узоқ ва қисқа муддатли кредитлашнинг афзалликлари тўғрисида маслаҳат ва кўмак бериш ишларини кенг йўлга қўйиш мумкин.

Отабек ЖИЯНБАЕВ,
Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати

Ҳуқуқий маслаҳат

ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИГА САЙЛОВЛАР — МУҲИМ ЖАРАЁН

— Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодлар кўрсатиш қай тартибда амалга оширилади?

— Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодлар кўрсатиш тегишли ҳудудда доимий яшовчи фуқароларнинг фикри инобатга олинган ҳолда ишчи гуруҳ томонидан амалга оширилади.

Ишчи гуруҳ фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодларга доир ҳужжатларни тайёрлайди ва туман ёки шаҳар ҳокими билан келишиш учун тегишли комиссияга сайловдан камида ўн кун олдин тақдим этади. Ҳужжатларга фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодларнинг ўз номзоди кўрсатилишига ёзма розилиги илова қилинади.

Туман ёки шаҳар ҳокими фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) лавозимига тақдим этилган номзодларнинг ҳужжатларини кўриб чиқади ва ўзининг ушбу номзодлар бўйича асослантирилган хулосаларини кейинчалик ишчи гуруҳларга топшириш учун тегишли комиссияларга юборади.

Ишчи гуруҳ туман ёки шаҳар ҳокимининг хулосасини олганидан кейин фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига келишилган номзодлар ҳақидаги ахборотни сайловдан камида беш кун олдин фуқаролар йиғини биносига ва гузарларга осиб қўяди.

— Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) маслаҳатчиларининг миқдор таркибини белгилаш қандай амалга оширилади?

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) маслаҳатчиларининг миқдор таркиби ҳовлилар, уйлар, кўчалардан ҳамда шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ва овуллардаги маҳаллалардан фуқароларнинг вакиллиги инобатга олинган ҳолда фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) томонидан белгиланади.

— Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) маслаҳатчилари лавозимларига номзодлар ким томонидан кўрсатилади?

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) маслаҳатчилари лавозимларига номзодлар тегишли ҳудудда доимий яшайдиган фуқароларнинг фикрлари инобатга олинган ҳолда ишчи гуруҳ томонидан кўрсатилади.

— Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш учун фуқаролар йиғинини (фуқаролар вакилларининг йиғилишини) қандай чақирилади?

Фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган тартибда чақирилади ва ўтказилади.

Фуқаролар вакиллари йиғилишига ҳовлилар, уйлар, кўчалардан фуқароларнинг вакиллари юборилади. Таркибида маҳаллалар мавжуд бўлган шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар вакилларининг йиғилишига маҳаллалардан фуқароларнинг вакиллари юборилади.

Вакиллик нормасини тегишли комиссия белгилайди.

ЯНГИ ПОРТАЛ ИМКОНИЯТЛАРИ

Интернетда давлат солиқ хизмати органларининг янги электрон солиқ хизматлари портали – my.soliq.uz тест режимида ишга туширилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ахборот хизмати маълумотларига кўра, лойиҳанинг асосий мақсади – давлат солиқ хизмати органлари томонидан аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган электрон давлат хизматларини такомиллаштириш, солиқ тўловчиларга қўшимча қулайликлар яратишдан иборат.

Зарур хизматни тез ва осон қидириш мумкинлиги порталнинг муҳим қулайлиги ҳисобланади. Бунда Ўзбекистон Республикасининг "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги қонуни талабларидан келиб чиқиб, давлат солиқ хизмати органларининг барча электрон давлат хизматлари интерактив ва ахборот давлат хизматларига сараланган. Уларни қидиришни янада соддалаштириш мақсадида мурожаат ва ҳисоботларни юбориш, рўйхатга олиш, солиқларни ҳисоблаш ва маълумотномалар олиш каби хизмат йўналишларига ажратилган. Жисмоний ва юридик шахслар ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар учун хизматларни танлаш имкониятлари мавжуд.

Яна бир янгилик бу – барча тоифадаги солиқ тўловчилар учун алоҳида шахсий кабинет очилган. Шахсий кабинетда бир қанча қулайликлар яратилган. Жумладан, "Шахсий маълумотлар", "Ҳисобкитобларнинг жорий ҳолати", "Солиқ органлари билан ёзишмалар", "Фойдали маълумотлар" каби мавзуга оид хизматлар қулай навигацияли блокларга ажратилган.

Солиқ тўловчилар ҳар бир хизмат бўйича ўз фикр ва баҳоларини қолдириши, солиқ органлари эса солиқ тўловчиларнинг фикрларини ўрганиши, таклиф ва эътирозларини кўриб чиқиш имкониятига эга.

Бугунги кунда давлат солиқ хизмати органлари томонидан 26 турдаги электрон давлат хизмати кўрсатилмоқда, 10 турдаги янги хизмат тест режимида тақдим этилмоқда. Солиқ тўловчи тоифаси ва жойлашган жойидан қатъи назар барча хизматлардан фойдаланиш имкониятига эга.

Иш жараёнини кузатиш ва камчиликларни бартараф этиш мақсадида my.soliq.uz портали апрель ойида тест режимида ишлайди. Ушбу давр мобайнида фойдаланувчилар олдинги тизимдан ҳам фойдаланишлари мумкин.

Б.БОЗОРОВ,
ЎзА мухбири

Реклама ўрнида

IPOTEKA BANK

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларга турли енгиллик ва имтиёзлар бериш, фаолиятига аралашишларни камайтириш, янги технологиялар келтириш, маҳсулот экспорт қилиш ва бошқа масалаларда яқиндан ёрдамлашиш борасида кўплаб ишлар қилинмоқда. Яратилаётган имкониятлар туфайли соҳа ривожланиб, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш кўлами кенгайиб бораётир.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ РИВОЖИГА ҲИССА ҚЎШМОҚДА

Шуни таъкидлаш лозимки, тижорат банкларининг тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаши замонавий технологияларни жалб қилган ҳолда сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тизимининг ривожланишида муҳим аҳамият касб этмоқда. "Ипотека банк" АТИБ ва унинг филиаллари ана шундай банклар қаторига киради. Улар томонидан ажратилаётган кредитлар тадбиркорлар учун молиявий манба вазифасини ўтамоқда. Тошкент вилоятининг Олмалиқ шаҳрида фаолият олиб бораётган "Достон Замира" хусусий корхонаси ҳам мазкур банкнинг молиявий кўмагида ишлаб чиқаришни ривожлантиришга эришди.


– Корхонамиз 2011 йилда ташкил топган бўлиб, макарон маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотишга ихтисослашган, – дейди корхона раҳбари Замира Тожиева. – Юртимизда тижорат банклари томонидан яратилаётган имкониятлардан фойдаланиб, хом ашё сотиб олиш мақсадида 2015 йилда "Ипотека банк" АТИБ Олмалиқ филиалидан 44 миллион сўм кредит маблағи олдим. Корхонамизда ишлаб чиқаришни ривожлантириб, аҳолининг макарон маҳсулотларига бўлган талабини қондирмоқдамиз.

Замонавий технологиялар ёрдамида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқараётган бу корхонада ўтган йилда ишлаб чиқариш ҳажми 150 миллион сўмдан ошди. Банк кредитлари эвазига Олмалиқ шаҳридаги тадбиркорлик субъектлари фаолияти ривожланиб бормоқда.

Равшан ЮНУСОВ

Хизматлар лицензияланган

Маълумки, озод ва обод Ватанимиз келажагининг воислари таълим-тарбиясига бугунги кунда мамлакатимизнинг устувор вазифаларидан бири сифатида қаралмоқда. Бу хусусда мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар нақадар чуқур маъно-мазмунга эга эканлигига гувоҳ бўляпмиз.



ТАФАККУР СИНОВЛАРИ

Албатта, республикамиздаги мактаб, коллеж, академик лицей ва олий ўқув юртларидаги таълимнинг тўғри йўлга қўйилганлиги бунга далил бўла олади. Ушбу қилинаётган ишлардан асосий мақсад, келажакда маънан етук, салоҳиятли, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш ҳисобланади.

Мамлакатимизда ҳар йили илмга чанқоқ ёшларнинг ақлий салоҳиятини ошириш мақсадида турли танловлар ўтказилиб турилади. Ана шундай танловлардан бири куни кеча Тошкент Тиббиёт академияси қошидаги академик лицейда бўлиб ўтди.

Мазкур танлов жорий йилда Москва шаҳрида бўлиб ўтадиган 50-Халқаро Менделеев олимпиадаси олдидан сўнгги саралаш босқичи сифатида Ўзбекистон жамоасини шакллантириш мақсадида кимё фани билимдонлари ўртасида ўтказилди. Танловда республикамизнинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳридан ташриф буюрган 26 нафар иқтидорли ўғил-қизлар иштирок этишди.

— Тарихдан яхши маълумки, аждодларимиз фарзандларининг таълим-тарбиясига ўта масъулият билан қарашган. Ана шунинг учун ҳам Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби кўплаб алломаларимиз дунёга маълуму машҳурдирлар. Ул зотлар ҳозирги замон илм-фанининг тамал тошини қўйиб кетган буюк аждодларимиз ҳисобланишади. Ўтган йилги Арманистон пойтахти Ереван шаҳрида бўлиб ўтган 49-Халқаро Менделеев олимпиадасида Тошкент Тиббиёт академияси қошидаги академик лицейнинг икки нафар ўқувчиси кимё фани бўйича ўз билимларини намоён этиб, кумуш ва бронза медаллари соҳиблари бўлиб юртимизга қайтиб келишган эди. Бу гал энди улардан фақат энг юксак натижаларни қўлга киритишларини кутиб қоламиз, — дейди Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг касб-ҳунар таълими маркази масъул ходими Ўктамжон Худойбердиев.

Дарҳақиқат, XXI аср – интеллектуал бойлик асри, деб бежизга ном беришмаган. Ҳозирги даврда давлатлар бойлиги ана шу юртда олиму фузалоларнинг кўп ё камлигига қараб баҳо берилади. Қолаверса, Юртбошимизнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" деб номланган асарларида: "Таълимни тарбиядан, тарбияни таълимдан ажратиб бўлмайди – бу шарқона ҳаёт фалсафаси", дея уқтириб ўтган эдилар. Шундай экан, илмли инсон, энг аввало, тарбияли бўлади. Бундай саъй-ҳаракатлар ҳозирги кунга келиб, ўз самарасини бера бошлади.

— Ўқув масканимизда кимё фани чуқурлаштирилган услубда ўқитилади. Ёшларимиз илм олишлари учун барча шароитлар яратилган. Бу каби танловларда ўқувчиларимиз мунтазам равишда қатнашиб келишади. Бугун лицейимизнинг икки нафар ўқувчиси совриндорлар қаторида бўлганлиги ҳам фикримнинг тасдиғи бўлиб турибди. Москвада бўлиб ўтадиган 50-Халқаро Менделеев олимпиадасида иқтидорли ёшларимиз энг юксак натижалар билан юртимизга қайтиб келишларига ишонаман, — дейди Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги 1-сонли академик лицейнинг директори Ортиқбой Эшонқулов.

Ушбу тафаккур синовлари майдонида ўқувчиларнинг кимё фани бўйича ёзма ва амалий ишлари ҳакамлар ҳайъати томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган баҳолаш мезонлари асосида текширилди. Ёш кимёгарлар назарий билимларини синов давомида берилган мисол ва масалаларни оригинал тарзда ечишда ҳамда лаборатория ишларини бажаришда топқирлик қобилиятларини тўлиқ намоён эта олишди.

Ақлий салоҳиятни оширувчи саралаш босқичи натижаларига кўра 1-ўринни Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги 1-сонли академик лицей ўқувчиси Сарвар Шоюнусов, 2-ўринни Тошкент Тиббиёт академияси қошидаги академик лицей ўқувчиси Чарос Омонова, 3-ўринни Наманган Давлат университети қошидаги академик лицей ўқувчиси Содиқжон Раҳимжонов қўлга киритди. Шунингдек, ушбу билимлар беллашувида иштирок этган Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги 1-сонли академик лицей ўқувчиси Азизбек Ҳакимов ҳам фахрли 4-ўринни эгаллаб, Москва шаҳрида бўлиб ўтадиган 50-Халқаро Менделеев олимпиадасида иштирок этиш ҳуқуқига эришди.

Бахтиёр ЖЎРАЕВ
Козимжон Ўлмасов олган сурат

МАЪНАВИЯТИ ЮКСАК АВЛОД – КЕЛАЖАК БУНЁДКОРИ

Тошкент фармацевтика институтида "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида "Ёшлар тарбиясида анъана ва қадриятларимизнинг ўрни ва аҳамияти" мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Республика Маънавият тарғибот маркази томонидан Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театри, "Маънавий ҳаёт" журнали ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маънавият тарғиботчилари, профессор-ўқитувчилар, санъаткорлар, ёшлар иштирок этди.

Тошкент фармацевтика институти ректори А.Юнусхўжаев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида қадимий анъана ва қадриятларимизни асраб-авайлаш, ўрганиш ва янада такомиллаштириш, ёш авлодни миллий меросимиз асосида тарбиялаш, комил инсонлар этиб вояга етказишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Бу миллий маданиятимиз равнақида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ёшлар ўртасида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини кучайтириш, уларнинг ҳаётда муносиб ўрин топишига доир чора-тадбирлар кўламини кенгайтиришда дастуруламал бўлмоқда.

– Айни вақтда аҳолининг, айниқса, ёшларнинг соғлом турмуш тарзи ва келажагига хавф солаётган гиёҳвандлик, ахборот ва ғоявий таҳдидлар кучаймоқда, – дейди Тошкент фармацевтика институти ўқитувчиси Феруза Аҳмедова. – Шу боис ёш авлодни бу каби иллатлардан асрашда анъана ва қадриятларимизга мурожаат қилиш муҳим аҳамиятга эга. Таълим жараёнларида бу жиҳатларга эътибор қаратмоқдамиз.

Тадбирда ёшларни турли мафкуравий тажовузларга қарши тура олишга қодир инсонлар этиб тарбиялаш, уларда маънавий иммунитетни мустаҳкамлаш, тарғибот-тушунтириш, таълим-тарбия ишларининг самарадорлигини янада ошириш юзасидан фикрлашилди.

Б.МЕЛИҚУЛОВА

Тошкент темир йўл муҳандислари институтида 2015-2016 ўқув йилида институт битирувчиларини ишга тақсимлаш ва жойлаштириш бўйича меҳнат ярмаркаси ўтказилди.

БИТИРУВЧИЛАР ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИ

Унда "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятининг барча корхона, бошқарма ва турли таркибий тузилмалари, шунингдек, Тошкент метрополитени, "Ўзбеккўмир" ва "Бошлойиҳа" очиқ акциядорлик жамияти, Олмалиқ тоғ кон-металлургия комбинатининг ходимлари, институт профессор-ўқитувчилари, талабалар иштирок этди.

Тадбирда жорий йилда 990 мингдан зиёд янги иш ўрни яратиш мўлжалланаётганлиги, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ҳисобидан 660 мингдан зиёд иш ўринлари яратилиши ҳақида маълумот бериб ўтилди. Шунингдек, 2016 йилда олий ўқув юртлари, лицей ва касб-ҳунар коллежларининг 510 мингдан ортиқ битирувчиларини иш билан таъминлаш вазифаси ҳам қўйилган. Бу борада Тошкент темир йўл муҳандислари институтида аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, белгиланган вазифалар изчил амалга оширилмоқда. "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти тасарруфидаги корхоналар билан ҳамкорликда ҳар йили меҳнат ярмаркалари ўтказилади. 2015-2016 ўқув йилида битирувчиларни шартномаларга мувофиқ ишга тақсимлаш ва уларни ишга жойлаштириш, битирувчини иш берувчи томонидан таклиф этилаётган бўш иш ўринлари билан таништириш, шунингдек, уларга меҳнат бозори, мутахассисга эҳтиёж, корхона ва ташкилотда ишга жойлашиш имконияти, мавжуд бўш иш ўринлари тўғрисида тўлиқ маълумот бериш, битирувчининг махсус, касбий ва малакавий билими, қобилият, малакалари тўғрисидаги маълумотларни иш берувчиларга тақдим этиш мақсадида ушбу меҳнат ярмаркаси ташкил этилди.

— Мен хоҳишимга кўра ўзим танлаган корхонада иш фаолиятимни бошлайдиган бўлдим, — дейди институт битирувчиси Умиджон Мажидов. — Мазкур ярмарка давомида мен ўз йўналишим, қизиқишимдан келиб чиқиб, иш ўрнимни танладим.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Тошкент темир йўл муҳандислари институти битирувчисини қайси ташкилотда ишласам экан, деган савол қийнамайди. Улар ўз мутахассисликлари бўйича ўзи танлаган корхона ёки ташкилотда иш бошлаши мумкин.

Тадбир давомида битирувчиларни ишга жойлаштириш бўйича институт ҳамда ташкилот, корхоналар ўртасида шартномалар имзоланди.

Хуршида ЮСУПОВА,
ЎзМУ магистранти

МУТАХАССИСЛАР УЧУН АМАЛИЙ МУЛОҚОТ

Тошкент ахборот технологиялари университетида "Таълим тизими ва АКТ соҳасига оид корхоналарнинг ҳамкорлиги" мавзуида амалий семинар ўтказилди.

Семинарда республикада ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида узлуксиз таълим ва малака ошириш тизимини шакллантиришга кўмаклашиш, илмий тадқиқот ва таълим муассасалари, дастурий маҳсулот ишлаб чиқувчилар, ишлаб чиқариш корхоналари, саноат ва инфратузилма тармоқлари ҳамда бошқа замонавий ахборот-коммуникация технологиялари истеъмолчилари ўртасида ўзаро мустаҳкам ҳамкорликни ўрнатиш масалаларига эътибор қаратилди. Шунингдек, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида халқаро стандартларга мос юқори малакали, ахборот тизими ва компьютер тармоқларини бошқариш бўйича мутахассисларни тайёрлашни таъминлаш, биринчи навбатда дастурий таъминотни ишлаб чиқиш, республиканинг олий таълим тизимига ўқув жараёнини замонавий таълим технологиялари асосида ташкил этиш бўйича илғор хорижий тажрибани жорий этиш, очиқ ахборот-таълим муҳитининг ривожланишига кўмаклашиш, ўзаро ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр ва тажриба алмашилди ҳамда келгусида амалга ошириладиган ишлар ҳақида келишиб олинди.

Дарҳақиқат, давлатимиз томонидан сўнгги йилларда АКТ инфраструктурасининг ажралмас бўлаги сифатида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида халқаро стандартларга мос юқори малакали мутахассисларни, биринчи навбатда дастурий таъминотни ишлаб чиқиш, ахборот тизими ва компьютер тармоқларини бошқариш бўйича мутахассисларни тайёрлашга катта эътибор берилмоқда.

Жумладан, Самарқанд, Фарғона, Нукус, Қарши ва Урганч шаҳарларида ТАТУ филиаллари, Тошкент шаҳридаги Инха университети ташкил этилди. Мазкур олий таълим муассасаларининг асосий вазифаси жамият ва миллат тараққиёти учун, юртимизда АТ соҳасининг ривожи учун ўз ҳиссасини қўша оладиган, юқори малакали, ҳар томонлама баркамол мутахассисларни етказиб беришдан иборат.

Мазкур илм даргоҳларида халқаро стандартлар даражасидаги ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида юқори малакали мутахассисларни тайёрлашни янада такомиллаштириш, шунингдек, илғор хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, соҳанинг пешқадам таълим маскани Тошкент ахборот технологиялари университетида ҳам иқтисодиёт реал сектори тармоқларининг аниқ эҳтиёжларини, замонавий мутахассисга қўйиладиган талабларни ҳисобга олган ҳолда, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлашни назарда тутувчи, халқаро стандартларга мос мақсадли таълим дастурлари ташкил этилмоқда.

Семинарда ўз навбатида профессор-ўқитувчи ва талабалар корхоналар вакиллари томонидан бугунги кунда соҳага киритилаётган янги технологиялар ва соҳа мутахассисларига қўйиладиган асосий талаблар билан таништирилди.

Амалий ҳамкорлик семинари доирасида Тошкент ахборот технологиялари университети ва Тошкентдаги Инха университети ўртасида англашув Меморандуми имзоланди. Тадбир давомида ТАТУ иқтидорли талабалари томонидан яратилган дастурий ва техник ишланмалар кўргазмаси ҳам намойиш этилди.

Зиёда РАСУЛОВА

ТИББИЁТ ЮТУҚЛАРИ НАМОЙИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Кўргазманинг тиббиёт техникаси ва ускуналари бўлимида диагностика ва даволаш соҳасида ишлатилаётган янги технологиялар – ультратовуш таҳлил, ЭКГ, рентген аппаратлари, компьютер томография ускуналари, реанимация, ортопедия ва жарроҳлик воситалари намойиш этилмоқда. Тиббий диагностика техникаси ривожи касалликларни эрта аниқлаш ва самарали даволаш имкониятини кенгайтираётир.

Италияда ишлаб чиқарилаётган "Mylabclass" ультратовуш таҳлил аппаратининг бошқа воситалардан бир қанча афзалликлари бор. Унга жигарнинг оғир касалликларини аниқлайдиган замонавий дастурлар ўрнатилган. Айниқса, эластография усули жорий этилгани бир қатор аъзоларда саратонга ҳам барвақт ташхис қўйиш имкониятини яратди. Бундай замонавий технологиялардан мамлакатимиз тиббиётида самарали фойдаланилмоқда.

Юртимизда аёллар саломатлигини асраш, уларда учрайдиган турли касалликлар, хусусан, саратоннинг олдини олиш, барвақт аниқлаш бўйича кенг қамровли тиббий скрининг ишлари амалга оширилаётир. Бу жараёнда замонавий диагностика воситаларининг ўрни беқиёс. Кўргазмага қўйилган замонавий колпоскоп ва сут безини текширадиган ихчам скрининг аппаратлари тиббиётимизнинг бу борадаги ютуқларини янада ривожлантиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Кўргазмада мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари маҳсулотлари намойишига алоҳида ўрин ажратилган. Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги "Medprotect system" кичик корхонаси фаолияти бунга мисолдир. 2013 йилда фаолият бошлаган корхона бугунги кунда бир неча турдаги тиббиёт буюмлари ва жиҳозларини тақдим этмоқда. Корхона маҳсулотларининг асосий фойдаланувчилари стоматология соҳаси ходимларидир. Кичик корхона мутахассислари келгусида ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, янги технологияларни ўзлаштириш йўлида изланмоқда.

Кўргазманинг фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўлимида хорижий ва мамлакатимиз корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган замонавий тиббий препаратлар истеъмолчиларга тақдим этилмоқда. Мамлакатимиз фармацевтика корхоналари томонидан икки мингдан кўпроқ турдаги замонавий ва шифобахш дори воситалари, тиббиёт буюмлари ишлаб чиқарилмоқда.

"Ўзфармсаноат" акциядорлик концернидан маълум қилишларича, бу борадаги ишларни ривожлантириш мақсадида тизимдаги корхоналарда маҳаллийлаштириш дастури доирасида ўттиз бешта лойиҳа амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида тўқсонга яқин номда импорт ўрнини босувчи янги дори воситалари, тиббиёт буюмлари, биологик фаол қўшимчалар, табиий гиёҳлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш режалаштирилган.

Кўргазманинг стоматология саноати технологиялари намойиш этилаётган стендларида соҳада қўлланилаётган техника ва технологиялар, янги воситалар билан танишиш мумкин.

Кўргазма доирасида радиология соҳасидаги янги технологиялар, ўпка касалликларини ташхислаш ва даволашнинг янгича усулларига оид семинар ва давра суҳбатлари ташкил этилади.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири

Ички ишлар идоралари ходимлари томонидан турли хилдаги жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, содир этилганларини фош этиш борасида тизимли комплекс тадбирлар уюштирилиб, амалга оширилиб келинмоқда.

ТИЗИМЛИ ТАДБИРЛАР САМАРАСИ

Бу йўналишда Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги "Қўриқлаш" бирлашмаси ва унинг қуйи тизимлари ходимларининг ҳам ўз ўрни бор.

Қўриқлаш хизмати ходимлари томонидан турли объектлар, муассаса ва ташкилотлар ҳамда фуқаролар хонадонларини ишончли қўриқлаш мақсадида куну-тун узлуксиз фаолият олиб борилмоқда.

Соҳа ходимлари томонидан жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида аҳоли орасида тушунтириш ишлари ўтказилиб, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар уюштирилишига қарамай, айрим фуқароларимизнинг нопоклиги, давлат ва халқ мулкига кўз олайтиришлари натижасида ҳамон мулк ўғирлаш, ўзлаштириш ёки талон-тарож қилиш йўлидаги жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этилмоқда.

2015 йилдан жорий йилнинг ҳозирги даврига қадар қўриқлаш хизмати ходимлари томонидан олиб борилган чора-тадбирлар давомида бир қатор ҳуқуқбузар фуқароларнинг қилмишлари фош этилиб, 565,5 млн. сўмлик товар-моддий бойликлар эгаларига қайтарилди, айрим ҳуқуқбузарларга нисбатан жиноий иш қўзғатилиб, қолганларига нисбатан суд идоралари томонидан 461,5 млн. сўм миқдорида маъмурий жарималар қўлланилган. Жумладан,

Тошкент шаҳар Яшнобод туманида яшовчи, фуқаролар А. ва Р.лар ҳамда Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманида туғилган фуқаро Х. (исмлари ўзгартирилган) Тошкент шаҳрида жойлашган "Ўздонмаҳсулот" АК "Тошкентдонмаҳсулотлари" АЖ томонидан ишлаб чиқарилган омухта ем маҳсулотларининг ноқонуний савдоси билан Тошкент шаҳар Яшнобод туманида жойлашган 22-авиашаҳарчасида шуғулланаётганлиги аниқланган. Ҳуқуқбузарларга нисбатан ҳар бирига 592,000 сўм миқдорида маъмурий жарима қўлланилган.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманида яшовчи фуқаро И. Мирзо, Улуғбек туманида яшовчи фуқаро Д., Тошкент вилояти Қибрай туманида яшовчи фуқаролар Ф. ва У.лар Тошкент трактор заводидан яширинча рухсатсиз темир қувурларни олиб чиқиб кетаётган вақтида ушланган, темир қувурлар эса заводга қайтарилган. Ҳуқуқбузарларга нисбатан ҳар бирига 130,240 сўм миқдорида маъмурий жарима қўлланилган.

"Ўғри ўғирлаб йўлга тушар, охири бориб қўлга тушар" дейди доно халқимиз.

Наҳотки, жиноят ёки ҳуқуқбузарликка қўл ураётган фуқароларимизни ҳамкасблари ёки атрофидагилар кўрмаса, билмаса?!

Жиноят ёки ҳуқуқбузарлик содир этган фуқаро ўзи ва оила аъзолари, қариндошлари, яшаб турган маҳалла аҳолиси орасида уятга қолишини, ўзи эса ҳамкасбларининг кўзига қандай қарашини ўйлармикан?!

Жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш нафақат ҳуқуқтартибот органларининг, балки барча фуқароларнинг ҳам эътиборида бўлиши лозимлигини яна бир бора эслатиб ўтамиз.

Элмурод ҚЎЗИЕВ,
"Қўриқлаш" бирлашмаси
ИХҲК ва ЮТБ Матбуот гуруҳи
катта инспектори, катта лейтенант





Миллий удум ва анъаналаримиз барҳаёт

ЎзА олган суратлар

ДЎСТЛИК АЙТИШУВЛАРИ

Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғининг навбатдаги мавсуми очилиш маросимига бағишлаб Республика қозоқ миллий маданий маркази билан ҳамкорликда ўзбек ўланчилари ва қозоқ оқинлари иштирокида "Дўстлик айтишувлари" мавзуидаги байрам тадбири ўтказилди.

Ушбу байрам тадбири Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллигига, ўзбек мумтоз адабиётининг асосчиси ҳазрат Алишер Навоий таваллудининг 575 йиллиги ҳамда қозоқ шоир-оқини Жамбул Жабаев таваллудининг 170 йиллигига бағишланди.

Байрам сайлида Ангрен шаҳридаги А.Навоий номидаги маданият ва аҳоли дам олиш маркази қошидаги "Ўланчилар мактаби"нинг раҳбари Турдиали Пардаев бошчилигидаги ўланчилар гуруҳи, Ангрен шаҳар маданият ва аҳоли дам олиш маркази қошидаги Вазира Абдукаримова бошчилигидаги фольклор жамоаси, Халқаро танловлар ғолиби, бахши-оқин Кулмихан Дуйсенов, Қорақалпоғистон Республикасидан Еркебулан Қалганатов, Тошкент вилоятидан Талгат Оринбеков иштирокида айтишувлар ва "Айтис" мусобақалари ўтказилди.

Шунингдек, тадбирда Бошқирд-татар миллий маданий маркази қошидаги фольклор ансамбли қатнашчилари, Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи қошидаги "Дурдона" фольклор жамоаси, "Улуғбек юлдузлари" вокал-чолғу ансамбли хонандалари томонидан тайёрланган концерт дастурлари намойиш этилди.

Боғнинг асосий кириш қисмида ва боғ ҳудудида Республика Байналмилал маданият маркази ҳунармандлари ва Республика "Баркамол авлод" болалар техник-ижодиёти марказининг карвин йўналиши тўғараги қатнашчиларининг ижодий беллашувлари бўлиб ўтди. Шу билан бирга уларнинг намунали ишлари асосида кўргазмалар ҳам ташкил этилди.

Шаҳбоз МУРОДҚУЛОВ

ИЖОД ЗАВҚИ

Ўзбекистон давлат санъат музейида Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган Тасвирий ва амалий санъат фестивали доирасида Ўзбекистон халқ рассоми Акмал Икромжонов ижодига бағишланган шахсий кўргазма ташкил этилди.

Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ректори Ҳ.Аминов, Ўзбекистон давлат санъат музейи директорининг ўринбосари Ж.Темурхўжаев, Бадиий академия раиси ўринбосари Ф.Тошмуҳамедов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий санъатимизни равнақ топтириш, бунда устоз-шогирд анъаналарининг бардавомлигини таъминлашга доимий эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

А.Икромжонов Миллий рассомлик ва дизайн институтида дастгоҳли рангтасвир йўналишида талабаларга таълим бериши билан бирга нафис санъатнинг реализм услубида фаол ижод қилиб келмоқда. Ижодида миллий руҳ, ёрқин ранглар устувор бўлган рассомнинг асарлари халқаро миқёсда ўтказилган кўргазмаларда ҳам муваффақият қозонган.

– Мусаввирлик – улкан бахт, – дейди ЎзА мухбирига А.Икромжонов. – Истиқлол ато этган буюк неъматлардан, унинг имкониятларидан баҳра олиб, асарлар яратиш ҳар қандай ижодкорга чексиз фахр ва ғурур, ижод завқини бағишлайди.

Кўргазмада педагог-рассомнинг "Гулдаста", "Кумушкон йўлларида", "Бир бош узум", "Ёмғирдан сўнг", "Қушлар навоси эшитилганда", "Навбаҳордаги чойхона" каби ўттиздан ортиқ картиналари томошабинлар эътиборига ҳавола этилган.

Н.УСМОНОВА

Спорт янгиликлари

ВАКИЛЛАРИМИЗНИНГ ҚЎЛИ БАЛАНД КЕЛДИ

Словениянинг Кран шаҳрида дунёнинг ўттиздан зиёд мамлакатидан ташриф буюрган сузувчилар иштирокида халқаро мусобақа ўтказилди.

Турнирда 14 нафар спортчи билан қатнашган Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари 5 та олтин, 3 та кумуш ва 2 та бронза медалларини қўлга киритди.

Владислав Мустафин 50 ва 100 метрга брасс усулида сузиш баҳсларида, Хуршид Турсунов 100 ва 200 метр масофада эркин усулда ва Алексей Дерлюгов эса 400 метрга комплекс усулда сузиш баҳсларида маррага биринчи бўлиб етиб келди. Шунингдек, Дерлюгов яна бир кумуш, Даниил Тулупов эса 1 тадан кумуш ва бронза, Нурилло Ғуломқодиров кумуш ҳамда Алексей Тарасенко бронза медалларини ўз ҳисобига қўшиб қўйди.

Қозоғистонда камондан ўқ отиш бўйича ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиладиган халқаро мусобақа бўлиб ўтди.

МЕРГАНЛАРИМИЗ ТУРНИР СОВРИНДОРИ

Бу галги турнирда Ўзбекистон терма жамоасидан ташқари Россия, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистондан маҳоратли мерган спортчилар иштирок этди.

Катталар ўртасидаги мусобақада вакилларимиздан самарқандлик Мунира Нурманова ва Тошкент шаҳридан Сардор Рустамов биргаликда "Микст" йўналишида финалга қадар етиб бориб, ғолиблик учун кечган муҳим баҳсда имкониятни бой бериб қўйишди. 20 ёшгача бўлган спортчилар баҳсида эса Ҳилола Юнусова ҳамда Эргаш Аъзамов бронза медаллари билан тақдирланди.

Ботир ХЎЖАЕВ

ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВИ УЮШТИРИЛАДИ

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2018 йилда ўтадиган жаҳон чемпионатига саралаш турнирининг учинчи босқичида иштирок этиши мухлисларни қувонтирди албатта.

Жаҳон чемпионатига саралаш турнирининг ҳал қилувчи босқичида Жанубий Корея, Эрон, Хитой, Қатар, Сурия терма жамоалари билан "А" гуруҳидан ўрин эгаллаган Самвел Бабаян шогирдлари ушбу нуфузли мусобақага жиддий тайёргарлик кўриши талаб этилади. Ўзбекистон футбол федерацияси расмий сайти хабарига кўра 7 июнь куни Австрияда Ўзбекистон-Канада миллий терма жамоалари назорат-ўртоқлик учрашувида куч синашадилар.

Жаҳон чемпионатига саралаш турнири доирасида сентябрь ойида Гондурас ва Сальвадор терма жамоаларига қарши ўйинларга тайёргарлик кўраётган Канада терма жамоаси 3 июнь куни Озарбайжон терма жамоаси билан ҳам ўртоқлик баҳси ўтказади. Дарвоқе, миллий терма жамоамиз ҳали ўз тарихида Шимолий Америка минтақаси терма жамоаларига қарши учрашувда қатнашмаган. Канада терма жамоасига қарши кечадиган беллашув КОНКАФАФ футболи билан миллий терма жамоамиз доирасидаги илк танишув бўлади.

Октябрь ойида Колумбияда ўтадиган футзал бўйича жаҳон чемпионатига йўлланма олган Ўзбекистон футзал терма жамоамиз Тошкентда ўқув-машғулот йиғини уюштирди.

ФУТЗАЛЧИЛАРИМИЗ ЖИДДИЙ СИНОВДАН ЎТИШАДИ

Тўрт кун давомида "Бунёдкор" жамоаси спорт залида ўтказилган машғулотларда терма жамоамиз бош мураббийи Хосе Мария Мендез футзалчиларнинг тўп билан ишлашига, прессинг уюштиришига жиддий эътибор қаратган.

Айни кунларда Тошкентдаги машғулотларни якунлаган Ўзбекистон футзал терма жамоаси Японияда. Чунки 21-25 апрель кунлари футзал бўйича халқаро ўртоқлик турнири ўтказилади ва Хосе Мария Мендез шогирдлари учун бу мусобақа маҳорат мактаби вазифасини ўтаб беради.

ЯРИМ ФИНАЛ БЕЛЛАШУВЛАРИ

Футзал бўйича мамлакат XX миллий чемпионати ярим финалига чорак финал баҳсларидан муваффақиятли ўтган амалдаги чемпион — "Олмалиқ", ўтган йилги финалчи — "Ардус", "Бунёдкор", "Дўстлик-AIN" жамоалари етиб келишган эди.

Энди ушбу жамоалар ярим финалда ўзаро беллашишади. Ярим финал баҳслари эса 2,4 май кунлари бўлиб ўтади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

"САЛОМАТЛИК ПОЕЗДИ" АҲОЛИ ХИЗМАТИДА

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди томонидан ташкил этилган навбатдаги "Саломатлик поезди" Қорақалпоғистон Республикасига йўл олди.

Шу муносабат билан "Тошкент" вокзалида бўлиб ўтган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида халқимизга тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилаётган доимий эътибор юксак самаралар бераётгани таъкидланди. "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришга доир муҳим вазифалар белгиланган.

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди ва "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти ҳамкорлигида ташкил этилаётган "Саломатлик поезди" экологик жиҳатдан ноқулай шароитда истиқомат қилувчи аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлмоқда.

Навбатдаги "Саломатлик поезди"нинг малакали мутахассислари Нукус, Қўнғирот, Қорақалпоғистон, Жаслиқ станцияларига яқин ҳудудларда истиқомат қилаётган аҳолига, шунингдек, фондниг ҳудудий филиали қўчма тиббий-ижтимоий ёрдам бригадаси марказий шифохоналар, вилоят болалар ва туғруқ комплекслари ҳамда махсус мактаб-интернатларига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатади.

Тадбирни ташкил этишга "Дори-дармон" акциядорлик компанияси, "Китоб олами", "Baxtteks-farm" масъулияти чекланган жамиятлари, "Nobel farm sanoat" ва "Reka med farm" қўшма корхоналари ва халқаро ташкилотлар яқиндан кўмаклашди. Тадбир давомида ижтимоий кўмакка муҳтож аҳоли ва ногиронларга, тиббий-ижтимоий муассасаларга дори-дармон, гигиена воситалари етказиб берилади.

(ЎзА)

Газ — давлатимиз мулки. Уни тежамкорлик билан ишлатсак, оиламизда барака бўлади. Газ ускуналарини ишлатишнинг ўз қонун-қоидалари бор. Ушбу қоидаларга қанчалик риоя қилмасангиз, хонадонингиз шунча талафот кўради.

ГАЗДАН ТЎҒРИ ФОЙДАЛАНИНГ

Айниқса, ҳозирги кунда шаҳримизда содир этилаётган ёнғинларнинг аксарияти ҳам фуқароларимиз газ ускуналарини нотўғри ишлатишлари ёки қўпол бузишлари оқибатида келиб чиққан. Газ плитаси устида ҳўл кийимларни қуритиш ёки овқатни назоратсиз қолдириш, болаларнинг газ қулоқларини ўйнашига йўл қўйиш, туман газ идоралари ва ёнғин хавфсизлиги ходимлари билан келишилмаган ҳолда ўзбошимчалик билан газ ускуналарининг ўрнини ўзгартириш каби хатолар ёнғинларга олиб келиши мумкин.

Кундалик турмушда газнинг ўрни беқиёс, бироқ ундан фойдаланишнинг ҳам ўз йўли, қонун-қоидалари бор. Уларга доимо амал қилинсагина ҳаётимиз бехавотир, тинч, осуда, чиройли кечади. Биз шу оддий, аммо аҳамияти катта бўлган йўл-йўриқлардан доимо огоҳ бўлмоғимиз даркор. Зеро, олов билан ҳамнафас ҳаётимиз биздан ҳамиша ҳушёр бўлишни талаб этади. Агар биз бепарволикдан халос бўлсак, "тилсиз ёв" ҳамласига дуч келмаймиз. Ота-оналарнинг бепарволиги туфайли, болалар қўлига тушиб қолган гугурт ёқилиши натижасида ёнғинлар келиб чиқиши шубҳасиз. Газ манбаини туман газ таъминоти ходимлари томонидан назоратдан ўтказиш, шу билан бирга уй эгаларини газ ускуналаридан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига тўлиқ риоя этган ҳолда ишлатиш ва аниқланган камчиликларни зудлик билан бартараф этиш ҳар биримизнинг вазифамиздир.

Газ ишлатишда, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинса, ҳар бир фуқаро ёнғин офатининг олдини олишга эътибор берса, ўз уйимизни, мол-мулкимизни ва фарзандларимизнинг ҳаётини хавф-хатардан сақлаб қолган бўлар эдик.

Мухтасар айтганда, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини оширишнинг муҳим шартларидан бири бу шахсни ҳуқуқий жиҳатдан шакллантириш ва унинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга эътиборни кучайтиришдир.

Жонибек ҚОСИМОВ,
Бектемир тумани ИИБ ЁХБ инспектори, кичик сержант

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида ***22 апрель*** *куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 8-10, кундузи 23-25 даража иссиқ бўлади.*

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, ***22 апрелда*** *Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9227
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 455
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 10372 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 14.20
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ